

# ШАРТНОМА № 22

## ИЧИМЛИК СУВ ТАЪМИНОТИ ВА ОҚОВА СУВЛАРНИ КАБУЛ КИЛИШ УЧУН

Нуробод шаҳри

«05» 01 2022 йил.

Самарканд вилояти «Иссиқлик манбаи» давлат унитар корхонасининг Нуробод туман филиали, кейинги ўринларда «Таъминотчи» номидан низом асосида иш юритувчи филиал директори З.М.Бобоёров бир томондан ва Нуробод туман Мудофои ишлар болими кейинги ўринларда «Истеъмолчи» номидан низом асосида иш юритувчи Ж.Ж. Наркузиев иккинчи томондан, қуйидагилар тўғрисида мазкур шартномани туздилар:

### ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1 Ушбу шартномага мувофиқ 2022 йилда, Таъминотчи Истеъмолчига у томондан аванс тариқасида тўланган сумма доирасида қуйидаги хизматларни кўрсатиш мажбуриятини олади:

1.1.1 Қуйида кўрсатилган миқдорда сувни етказиб бериш: 300  
Бир ойда 45 м<sup>3</sup> Бир йилда 135 м<sup>3</sup>  
1(бир) м.куб ичимлик сувининг нархи 5250 сум (ККС билан 6037,5 сум)

Қуйида кўрсатилган миқдорда оқова сувларни қабул қилиш:  
Бир ойда — м<sup>3</sup> Бир йилда — м<sup>3</sup>  
1(бир)м.куб қабул қилинган оқова сувнинг нархи — сум  
(ККС билан — сум).

1.2. Ушбу шартномага мувофиқ **Истеъмолчи** қуйидаги мажбурятларни олади:

1.2.1 Ўз балансида булган қувур ва иншоотларни ўз ҳисобидан таъмирлаш ва белгиланган тартибда саклаш.

1.2.2 Сувни тежайдиган замонавий ускуналарини ўрнатган ҳолда ичимлик сувидан оқилона фойдаланиш, сувни мақсадсиз оқизиш қўймаслик, яшил экинларни суғориш, ҳовлиларга сув сепиш ва шу каби бошқа нооқилона мақсадлар учун фойдаланишга йул қўймаслик.

1.2.3 Истеъмолчи курсатилган хизматни қабул қилиш, Молия бошқармаси томонидан тасдиқланган тарифларда кўрсатилган хизматлар ҳақини ўз вақтида тулаш.

1.2.4 Зарарсизлантирилмаган сув тармоқларига уланган ҳолатларда, техник шарт талабларига асосан ичимлик сувини ўз ҳисобидан зарарсизлантириш(хлорлаш), сўнгра ичиш мақсадларида фойдаланиш.

### 2. ИШЛАР (ХИЗМАТЛАР)КИЙМАТИ ВА ХИСОБ-КИТОБ КИЛИШ ТАРТИБИ.

2.1 Кўрсатилиши кутилган хизматлар учун шартноманинг умумий суммаси

815062,5 (Салкиз 103 чун бунч мунч олтунчи ички суви 50 тейини)

сумни ташкил этади. Истеъмолчи ҳар ой бошланишидан уч кун олдин бир ойлик хизмат хакининг 100% фоизини олдиндан тулов тариқасида ва ҳар ойнинг 30-санасигача шу ойдаги хизмат хакининг колган кисмини тулайди.

- барча гуруҳ истеъмолчиларига сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати кўрсатиш 100 фоизлик олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга оширилади.

-Олдиндан ҳақ тўланмаган ҳолларда, мазкур истеъмолчиларга нисбатан белгиланган тартибда сув таъминоти ва сув чиқариш тизимидан тўлиқ узишгача бўлган чоралар кўрилади;

- Сув таъминоти ва сув чиқариш тизимидан илгари узиб қўйилган шахслар қайта улашда I гуруҳ истеъмолчиларидан энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдорида, II ва III гуруҳ истеъмолчиларидан энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари миқдорида тўлов қайта улашни амалга оширган ташкилот ҳисобига маблағларни ўтказиш орқали ундирилади;
  - Истеъмолчи сув истеъмолини ҳисобга олиш ускуналарининг лозим даражада эксплуатация қилиниши ва созлиги учун жавобгар бўлади.
- 2.2** Ҳисоб-китоблар тулов топширикномаси билан пул ўтказиш шаклида амалга оширилади.
- 2.3** Жорий ойнинг 30-санасигача фойдаланилган энергоресурслар ҳақи Истеъмолчи томонидан туланмаган тақдирда Таъминотчи томонидан хизмат кўрсатиш тўхтатиб қўйишга ҳақли. Ушбу ҳолатда ичимлик сувини етказиб бериш ва оқова сувларни қабул қилиш қувурлари тармоқдан узиб қўйилади ва тармоққа қайта уланиш харажатлари Истеъмолчининг қўшимча маблағлари ҳисобидан копланди.
- 2.4** Истеъмолчининг айби билан ҳисоблаш ускуналари, қувурлар ва бошка қурилмалар бузилган ёки узиб қўйилган тақдирда улар ишламаган вақти учун тулов олдинги ойда фойдаланилган ҳажмлар миқдорда тўлиқ тўланади. Кўрсатилган хизматлар ҳақи ўз вақтида тўланмаган тақдирда, Истеъмолчи тулов амалга оширилган кунда амалда бўлган тарифлар буйича ҳақ тўлайди.
- 2.5** Тарафлар ўртасида ҳисоб-китоблар ўрнатилган сув ўлчаш асбобларининг кўрсаткичлари асосида амалга оширилади. Истеъмолчининг сув ўлчаш ускуналари бузилган ёки ноқонуний уланган тақдирда, етказиб берилаётган ичимлик суви ва тармоққа ташланаётган оқова сувлар миқдорлари ва тўловлар суммаси амалдаги (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014-йил 15-июлдаги 194-сон қарорига 2-илова Истеъмолчиларга сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари кўрсатиш қоидалари) қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳисоблаб чиқилади ва ҳисоб-китоб қилинади.
- 2.6** “Таъминотчи” кўрсатадиган коммунал хизматлар учун тарифлар миқдори ўзгарган тақдирда, у бу ҳақида Истеъмолчини телефон ёки оммавий ахборот воситалари(маҳаллий газета) орқали хабардор қилади.

### **3. ХИЗМАТЛАРНИ КўРСАТИШ ВА ТОПШИРИШ КАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.**

- 3.1** Таъминотчи ушбу шартноманинг 1-бандида назарда тутилган хизматларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги 194-сон қарорига 2-илова Истеъмолчиларга сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари кўрсатиш қоидалари асосида кўрсатиши шарт.
- 3.2** Тарафлар ҳар ойда кўрсатилган коммунал хизматлар учун, ўзаро солиштириш далолатнома имзолайдилар ва бу далолатнома тарафлар ўртасида ҳисоб китобларни амалга ошириш учун асос бўлади.
- 3.3** Истеъмолчи Таъминотчи томонидан кўрсатиладиган хизмат турларининг биридан фойдаланишдан воз кечса, истеъмол қилинадиган ичимлик суви ёки тармоққа ташлайдиган оқова сув хажми ўзгартирмоқчи бўлса, бу ҳақида 5 кунлик муддатда Таъминотчини ёзма равишда огохлантириши шарт. Хабарномани олган Таъминотчини ҳодимлари ичимлик суви истеъмол қилиш ёки оқова сувларини тармоққа ташлаш хизматидан воз кечганлигини тегишли тартибда расмийлаштирган санадан бошлаб, тўхтатилган хизмат тури учун ҳақ ҳисоблаш тўхтатилади.
- 3.4** Истеъмолчи ўз ҳисобида турувчи қувурлар ўтқазилган бинони бошка юридик шахсга ижарага берганда, ҳар бир нуқта учун ҳақ тўлаган ҳолда абонеент 1 ойлик муддат ичида ижарага олувчига қайта расмийлаштириши шарт(ижара шартномаси буйича бу харажатларни тулашни Буюртмачи ўз зиммасига олган

ҳоллар бундан мустасно). Бу шартлар бажарилмаган тақдирда Истеъмолчи инженерлик-коммуникация тармоқларидан узиб куйилади.

**3.5** Истеъмолчи курсатилган хизматлардан коникмаган тақдирда, солиштирма далолатномани олган пайдан бошлаб 3-кун муддат ичида Таъминотчига ишларни қабул қилишдан бош тортиш ҳақида асослангирилган ёзма раднома юбориши шарт. Истеъмолчининг радномаси асосли деб топилган тақдирда, тарафлар 2 томонлама далолатнома тузадилар ва уларни бажариш ёки бажаришни тухтатиш муддатларини кўрсатадилар.

**3.6** Коммунал хизматларни кўрсатиш жараёнида уларни давом эттириш имконияти йуқлиги ёки мақсадга мувофиқ эмаслиги аникланган тақдирда, Таъминотчи бу ҳақида Истеъмолчини 3-кунлик муддатда огоҳлантиради ва кўрсатилаётган хизматларни тухтатади.

#### **4. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.**

**4.1** Истеъмолчининг мажбуриятлари:

**4.1.1** Шартнома имзолангандан кейин 5 кунлик муддатда ичимлик суви кириш (окова сувларини тармоққа ташлаш) жойларига, яъни мансублик чегарасига ўз ҳисобидан сув улчаш ускуналарини ўрнатиш.

**4.1.2** Бош окова суви қувурига ташланадиган окова сувининг кимёвий таркиби буйича меъёрий курсатмаларга амал қилиш ва белгиланган меъёрлардан ошмаслигини таъминлаш.

**4.1.3** Ҳар 4 йилда бир марта(юридик шахслар учун 2-йилда бир мартта) сув ҳисоблаш ускуналарини давлат қиёслаш кўригидан ўтказиш.

**4.1.4** Ичимлик суви қувурларини таъмирлаш ва жойлашишини ўзгартириш ва ишларни Таъминотчи тамонидан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган техник шартлар ҳамда чизмаларга асосланган ҳолда амалга ошириш.

**4.1.5** Юридик манзили ва банк реквизетлари ўзгарган тақдирда, бу ҳақида 3 кун ичида Таъминотчини ёзма равишда хабардор қилиш.

**4.1.6** Ўзбекистон Республикаси президентининг 16.11.2017 йилдаги ПФ -5241-сон фармонига асосан. Сув таъминоти оқова сувни чиқариш тизимларидан илгари зуб куйилган (ўзбошимчалик билан уланиш, қарздорлик мафжуд булганда ёки шартнома шартлари бажарилмаганда) истеъмолчиларни қайта улашда куйидаги миқдорда ҳақ ундирилади:

-хусусий уй-жойларда ва куп қаватли уйдаги хонадонларнда яшойдиган жисмоний шахслардан (1-гурух истеъмолчилардан) -2 ЭКИҲ

-қолган гуруҳ истеъмолчилардан -10 ЭКИҲ

**4.2** Истеъмолчининг ҳуқуқлари:

**4.2.1** Ўз ҳодимлари орасидан ичимлик ва окова сувларининг сарфи, қувурлар ва қурилмаларнинг ҳолатини назорат килувчи жавобгар шахсни тайинлаш.

**4.2.2** Мазкур шартноманинг бажарилиши юзасидан ҳамда ичимлик суви (окова сувлари ) ва сув улчаш асбобларини текшириш далолатномаларидаги ҳисоб-китоблар билан танишиш юзасидан норози бўлган тақдирда далолатномани олган санадан бошлаб 5 кун ичида эътироз билдириш.

**4.3** Таъминотчининг мажбуриятлари:

**4.3.1** Белгиланган стандарт талабларига жавоб берадиган ичимлик сувини етказиб бериш(форс-мажор ҳолатлари ва Истеъмолчининг айби билан юзага келган ҳолатлар бундан мустасно).

**4.3.2** Мансублик чегарасига мувофиқ окова сувларни тармоққа ташлаш учун тегишли шарт-шароит яратиш ва қувурларнинг доимий ишга яроқлилигини таъминлаш.(таъмирлаш ишлари олиб борилаётган вақт бундан мустасно)

**4.4** Таъминотчининг ҳуқуқлари :

**4.4.1** Исталган вақтда(06<sup>00</sup>дан 22<sup>00</sup>гача)ичимлик суви (Окова сув) қувурларининг техник ҳолатини ҳамда сув улчаш асбобларини текшириш учун Истеъмолчи тасарруфидаги ҳудудга тўсиқсиз кириш.

